Национальный исследовательский университет

“Ташкентский институт ирригации
ва механизации сельского хозяйства”

**ВЛИЯНИЕ ПОТОКА ВОДЫ НА УЧАСТКИ ЭЛЕМЕНТОВ КРЕПЛЕНИЯ НИЖНЕГО
БЪЕФА ВОДОВЫПУСКНЫХ СООРУЖЕНИЙ В ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНЫХ
ИССЛЕДОВАНИЯХ**

АННОТАЦИЯ

Оценка прочности элементов нижнего бьефа водовыпускающих сооружений, определение режимов сопряжения бьефов, гашение кинетической энергии на укрепленных участках нижнего бьефа на основе проведения экспериментальных исследований имеет важное значение. В связи с этим особое значение имеет определение гидродинамических характеристик водного потока – распределение скорости и давления и определение областей указывающих их направления, движущихся на участке водобоя и рисбермы, которые обеспечивают устойчивость нижнего бьефа.

Ключовые слова: Водовыпускные сооружения, нижний бьеф, число Фруда, число Рейнольдса, рисберма, водобой, гаситель энергии, удельная энергия, гидродинамическое давление

Khidirov Sanatjon,

PhD, associate professor,

Artikbekova Fotima

PhD, associate professor,

National Research University “Tashkent Institute
of Irrigation and Agricultural Mechanization”

INFLUENCE OF THE WATER FLOW ON THE AREAS OF FASTENING ELEMENTS OF THE DOWNSTREAM WATER OUTLET STRUCTURES IN EXPERIMENTAL STUDIES**ANNOTATION**

Estimation of the strength of elements of the downstream of water outlet structures, determination of the modes of pairing of the downstream, quenching of kinetic energy in the fortified sections of the downstream on the basis of experimental studies is of great importance. In this regard, of particular importance is the determination of the hydrodynamic characteristics of the water flow - the distribution of velocity and pressure and the determination of areas indicating their directions, moving in the area of the water break and apron, which ensure the stability of the downstream.

Keywords: Outlet structures, downstream, Froude number, Reynolds number, apron, water break, energy absorber, specific energy, hydrodynamic pressure

Кириш. Гидравлик ходисаларни физик моделлаштиришда модел учун бошланғич ва чегаравий шартлар ўхшашлиги, оқимни пайдо бўлишида иштирок этувчи кучларга мос келувчи динамик ва кинематик қонунлар ўхшашлигини таъминланиши зарур.

Экспериментал тадқиқотларда паст ва ўрта напорли сув омборларининг сув чиқариш иншоотлари пастки бьефларида бьефлар туташини моделлаштиришни амалга ошириш асосан Фруд ва Рейнольдс критерийлари орқали ифодаланади. Бу критерийларнинг натура ва моделдаги қийматлари ўзгармаслик шартлари бажарилади.

Ўтказилган экспериментал тадқиқотларда 2 та схема, яъни 1-схемада икки қатор – тўғри тўртбурчак шаклидаги шашка туридаги энергия сўндиргичлар, 2-схемада уч қатор – ромб шаклидаги 2 қатор оқимни ёювчи шашка ва энергия сўндирувчи девор туридаги энергия сўндиргичлар танланди.

Сув оқимининг гидродинамик характеристикалари, яъни тезлик ва босимларнинг тақсимланиши ва йўналишини кўрсатувчи майдонларни аниқлаш имкониятини берадиган графиклар олинди.

Бизга маълумки, сув чиқариш гидротехник иншоотлари пастки бьефи туташтириш иншоотлари икки қисмдан иборат бўлади [1-4]:

1. Ювилишлардан ҳимояловчи ва сув оқимининг кинетик энергиясини сўндиришни таъминловчи сув оқими уриладиган иншоот – водобой.

2. Иншоотни пастки томондан ювилишдан ҳимоя қилувчи, мустақкамланган соҳаси – рисберма.

Водобойда энергия сўндиргичлар лойихалаштириб қурилади. Албатта, энергия сўндиргичларнинг қурилишини ҳам айрим салбий томонлари мавжуд:

- энергия сўндиргичлар реакцияси ҳисобига сўрувчи кучланишларнинг ошиши;
- сув оқимининг сўндиргичга катта тезликда келиб урилиши натижасида балиқларнинг жароҳатланиши;
- қўшимча димланиш ҳисобига сатҳлар фарқининг камайиши.

Энергия сўндиргичлар шакли иншоотдан фойдаланилиш мақсадига қараб танланади. Жуда кўп энергия сўндиргичлар бир неча мақсадда фойдаланилади.

Энергия сўндиргичларни оқим турғунлигини (устойчивость) ошириш мақсадида гидроузеллар сув чиқариш иншооти пастки бьефларида қурилишга эҳтиёжни И.А.Шеренков [5] назарий жиҳатдан асослаган.

Умуман олганда, гидроузелларнинг сув чиқариш ва сув ташлаш иншоотлари пастки бьефлари конструкцияларнинг энергия сўндиргичлар мавжуд бўлган ҳолат учун ҳисоблаш сув урилма плиталари узунлиги ва қалинлиги, энергия сўндиргичлар жойлашиши ва уларга бўладиган гидродинамик зўриқишлар, водобой ва рисбермадаги оқим ҳаракати режими ва иншоот ортидаги маҳаллий ювилишларнинг катталикларини аниқлашга қаратилади [6-20].

Гидротехника иншоотлари пастки бьефларини улардаги оқим гидродинамик характеристикаларни аниқлаш бўйича экспериментал тадқиқотлар олиб борган олим Н.П.Розанов [11, 12] оқимнинг ағдарилишига қарши энергия сўндиргичлардан кейинги сиқилган кесим ортида биринчи гидравлик сакраш соҳасида водобой, деворлар қаторлари, супалар каби қурилмалар қурилиши мақсадга мувофиқлигини асослаган.

Н.Н.Пашков ўрта ва паст напорли гидроузелларининг пастки бьефидаги қувурли сув чиқариш иншооти учун сув оқими энергиясини тарқатиб ёювчи учбурчак шаклдаги шашкасимон энергия сўндиргичлар конструкциясини таклиф этган [12]

Н.Н.Беляшевский, Н.Г.Пивовар, Н.И.Калантыренко [14] томонидан шашкасимон энергия сўндиргичлари тавсия қилинган. Қўйиладиган талабларга қараб, экспериментал тадқиқотларда текис масала учун икки қаторли шашкасимон энергия сўндиргич кўриниши ва бьефлар туташishi кўриниши варианти танланиб, энергия сўндиргичларининг қулай шакллари тавсия қилинган.

Т.Ребок гидроузеллар сув чиқариш иншооти пастки бьефида энергия сўндиришга хизмат қилиб, ўзини оқлаган Ребок номи билан аталувчи ўйма супали конструкцияларни ишлаб чиқиб таклиф этган. Ҳозирги даврда унинг тавсиясига асосан барпо этилиб, самарали ишлаётган конструкциялар мавжуд [15].

Гидротехника амалиётида ўрта ва паст босимли гидроузелларнинг сув ташлаш иншоотлари пастки бьефларида жойлашган водобойларида юқорида келтирилган энергия сўндиргичлардан асосан бош қисмдан кенгайиб борувчи (кенгайиш бурчаги 60°) [16] ва учбурчак шаклда кенгаювчи (ўткир бурчаги 70°) юқори самарада энергия сўндирганлиги сабабли кенг қўлланилади. Уч қувурли иншоотларда ҳаракатланаётган сув оқимида тўсиқларининг айрим вазиятларидагина тезлик тақсимланишини қулай кўринишга эришиш мумкин. Лекин, таъкидлаш лозимки, ўзининг географик жойлашишидан келиб чиқиб, асосан ирригация мақсадларида хизмат қилувчи гидроузеллар, сув омборларидан фойдаланиш амалиёти шуни кўрсатдики, доим ҳам экспериментлар йўли билан танланган энергия сўндиргичлар амалиётда қутилган натижани бермайди. Бунинг сабаби сифатида қурилишда жуда катта сифатни ва аниқликни талаб қилувчи конструкциялар талаблари бажарилмаганлиги сабабли уюрмавий оқимлар юзага келади ва қутилган вақтга нисбатан анча тез деформацион жараёнларни келтириб чиқаради.

Юқорида таҳлил қилинган энергия сўндирувчи қурилмалар барча лойихалаштирилиб қуриладиган ёки таъмирланадиган сув чиқариш иншоотлари пастки бьефларида энергия сўндиришда қўллашда ёки аниқ бир объект учун уларни мослаштириш мақсадида қўшимча гидравлик тадқиқотларни ўтказишни талаб қилинади. Шу сабабли, сув чиқариш иншоотлари пастки бьефларида энергия сўндиргичнинг асосий кўриниши сифатида водобойлардан фойдаланишда давом этмоқда.

Натижалар. Паст ва ўрта напорли сув омборларининг сув чиқариш иншоотлари пастки бьефларида бьефлар туташини физик моделлаштиришни амалга ошириш асосан Фруд сони орқали характерланади. Фруд сони ўхшашлигига эришиш асосий омил сифатида жуда кўплаб илмий тадқиқотлар натижаларида эътироф этилган [17-20]:

$$Fr_n = Fr_m = idem; \quad Fr = \frac{v^2}{gh_{\text{гп}}}$$

Fr_n ва Fr_m – мос равишда натура ва моделда ҳаракатланаётган оқим учун Фруд сони; v – оқимнинг ўртача тезлиги, $g=9,81 \text{ м/с}^2$ – эркин тушиш тезланиши; $h_{\text{гп}}$ – қаралаётган соҳадаги сув оқимининг ўртача чуқурлиги.


Бундан ташқари, сув чиқариш иншоотлари бьефлар туташини соҳасида оқим динамикасини ўрганишга қаратилган экспериментал тадқиқотларда Рейнольдс сони учун куйидаги шартлар бажарилиши етарли [17-20]:

$$Re_n = Re_m = idem; \quad Re_n > Re_m; \quad Re = \frac{vl}{\nu}; \quad Re_{\text{чег}} = \frac{14R}{\sqrt{\lambda\Delta}}$$


бунда, Re_n ва Re_m – мос равишда натура ва моделда ҳаракатланаётган оқим учун Рейнольдс сони.

l – очик ўзанда ҳаракатланаётган оқимнинг характерловчи чизикли ўлчами, $l = 4R = 4\omega/\chi$ формула билан аниқланади; R – ҳаракатдаги оқим кесими учун гидравлик радиус, иншоот пастки бьефидаги оқим чуқурлигига тенг $l = h_{\text{пб}}$; ω – ҳаракатдаги оқим учун кесим юзаси; χ – ҳўлланган периметр; ν – Фруд сони қиймати аниқланадиган нуқтадаги оқим ўртача тезлиги; ν – кинематик ёпишқоқлик коэффиценти, $\text{м}^2/\text{с}$; $Re_{\text{чег}}$ – квадрат қаршилиқлар соҳасининг энг паст чегаравий соҳасига мос келувчи Рейнольдс сонининг чегаравий қиймати, Δ – гидравлик радиус ўлчамида аниқланган абсолют ғадир-будирлик қиймати; λ – гидравлик ишқаланиш ёки Дарси коэффиценти.

Паст ва ўрта напорли сув омборларининг сув чиқариш иншоотлари пастки бьефларида энергия сўндириш самарадорлигини ошириш учун Окдарё сув омбори сув чиқариш иншооти пастки бьефининг 1:50 масштабдаги экспериментал модели курилди (1-расм).



а) 2 қувурли сув чиқариш иншоотининг бўйлама ва планда кўриниши, ўлчамлар мм да берилган



б) 2 қувурли сув чиқариш иншоотининг планда кўриниши, ўлчамлар мм да берилган 1-расм. Паст ва ўрта напорли сув омборлари сув чиқариш иншоотлари пастки бьефларидаги жараёнларни ўрганиш учун қурилган экспериментал қурилма.


Тадқиқотнинг иккинчи босқичида паст ва ўрта напорли сув омборларининг сув чиқариш иншоотларининг пастки бьефи элементларининг гидродинамик зўриқишини кузатиш учун 2 ва 4 қувурли иншоотлар танланган .


Экспериментал тадқиқотлар олиб борилган қурилманинг параметрлари: қувур диаметри $d=0,09$ м, қувурнинг кириш қисмига нисбатан напор $H=(1\div 1,5)d$, чиқиш қисмидаги чуқурлик $h_2=(0,5\div 2,3)d$, қувур чиқиш қисмидаги сув оқимининг тўлиқ солиштирма энергияси $E_1 = h_1 + v_1^2/2g$, бунда h_1 ва v_1 – сув чиқариш иншооти қувуридан чиқишда чуқурлик ва тезлик, $(1,5\dots 4,5)h_1$ тублар фарқи $p=(0\div 1,4)d$. Чиқиш порталидаги ёйилиш бурчаги $24^0\dots 46^0$.

Барча турли мақсадли тадқиқотларни моделлаштириш жараёнларида гравитацион ўхшашлик мезони сақланган ҳолда Рейнольдс сони автомобиль соҳадаги ($l=10h_1$; $Re=20\ 000\div 75\ 000$) қийматларига мос келиши таъминланди.

Водобой ва рисберма элементларидаги зўриқишни аниқлаш пастки бьефдаги туташининг қуйидаги уч мос режимга келувчи аниқ бир энергетик параметр – доимий сарф учун ўтказилди: (туб бўйлаб, ташқи ва аралаш кўринишдаги режимлар). Бунда қўмилиш коэффициенти $n = (h_2 - p)/h_1$, формула орқали аниқланиб, 0,5 ... 4,5 оралиқда ўзгариши кузатилди. Сув чиқариш иншоотининг сув ўтказиш қобиляти 10...30 л/сек оралиғида ўзгартирилди.

Экспериментал тадқиқотларни ўтказиш учун 2 та схемадан фойдаланилди [11]: 1-схемада икки қатор – тўғри тўртбурчак шаклидаги шашка туридаги энергия сўндиргичлар, 2-схемада уч қатор – ромб шаклидаги 2 қатор оқимни ёйовчи шашка ва энергия сўндирувчи девор туридаги энергия сўндиргичлар танланди (3-расм).





2-расм. Паст ва ўрта напорли сув омборлари сув чиқариш иншоотлари пастки бьефидаги водобойда танланган 2 та схемага асосан энергия сўндиргичларнинг жойлашиши: а) 1-схема, б) 2-схема

Экспериментларда ўтказилган диапазонлар қийматлари қуйидагича:

$$\frac{E_1 + p}{h_1} = 1,5 \div 4,5; n = 0,5 \div 2,5; \theta = 24^0 \div 46^0$$

бунда, $E_1 = h_1 + v_1^2/2g$ – қувур чиқиш қисмидаги сув оқимининг тўлиқ солиштирма энергияси;

v_1 – қувур чиқиш қисмидаги сув оқимининг ўртача тезлиги;

$n = (h_2 - p)/h_1$ – қувур чиқиш қисмидаги қувурнинг кўмилиш коэффициенти;

h_1, h_2 – иншоот чиқиш қисмидаги ва чиқиш каналидаги оқим чуқурлиги;

p – иншоотнинг чиқиш қисми ва чиқиш канали тублари фарқи;

θ – водобойнинг кенгайиш бурчаги.

Улар учун бьефлар туташиш шакли ўзгаришига энергетик параметр $((E_1 + p)/h_1)$ қиймати ўзгариши жуда кам таъсир этиши кузатилди. Гидравлик сакрашнинг жойлашиш чегараси вазиятига асосан пастки бьеф томондан кўмилиш даражаси билан сўндиргичларнинг конструктив хусусиятлари, уларнинг жойлаштирилиши ва жойлашган ўрни таъсир этиши кузатилди.

Барча тадқиқот қилинган вариантлар учун затворлар вазиятлари ўзгартирилганда тубдаги гидравлик сакраш туташуви соҳаси қисқариши кузатилди. Кўмилиш баландлигининг ошиши бир қувур ишлаганда $((E_1 + p)/h_1) \geq 3,5$ шарт бажарилганда оқимнинг нотурғун уюрмавий оқимлари кузатилди. Бунда оқимнинг динамик ўқи очик қувур томонга қияланиб, силжиши кузатилди. Натижада энергиянинг сўндирилиш самарадорлиги сезиларли даражада пасайиб, ўртача оқим тезликлари сўниши секинлашади. Бундан ташқари, бу тадқиқ қилинган схемалар учун сўндиргичларнинг қатъий симметрик тарзда ўрнатилишини таъминлаш керак. Акс ҳолда $E_1/h_1 > 1,5$ бўлган ҳолатларда бутун иншоот бўйлаб уюрма оқими рўй бериши кузатилди.


Тўрт қувурли сув чиқариш иншоотларида иккала схема учун ҳам тубга яқин соҳадаги сув оқими тезликлари $l=(11\div 16)d$ узунлик учун $\bar{v} = (0,7 \div 0,9)v_2$ ни ташкил этган.

Сув оқимининг энергия сўндиргичлар устидан ўтиши натижасида ҳар бир энергия сўндиргичнинг олди қисмида босимнинг ошиши, пастки бьефдаги ўртача босим кучини сезиларли ошишига олиб келади.


Биринчи қатордаги сўндиргичларнинг олдинги қисмида $(E_1 + p)/h_1$ ва n муносабатларга боғлиқ ҳолда водобойдаги ўртача босими $\bar{p}_i = (1,0 \div 1,2)\gamma h_1$ га ўзгарса, бу миқдор иккинчи қатордаги сўндиргичлар олдида $\bar{p}_i = (0,5 \div 1,0)\gamma h_1$ га ўзгариши кузатилди. Водобойда сув урилма деворлар билан мослаштириб, сув урилма чашкалар ўрнатилиши

ўрталаштирилган босимни 25-35 % га ошишига олиб келди (4-расм). Силлик водобойда бутун мустаҳкамланган соҳа турғунлиги 40÷50% гача камаяди:


1-схема $(\mathcal{E}_1+p)/h_1=2,5$




1-схема $(\mathcal{E}_1+p)/h_1=4,5$



Барча қувурлар очилган 2-схема $(\mathcal{E}_1+p)/h_1=4,5$



Барча қувурлар очилган. 2-схема



5-расм. I ва II-схемага асосан сув чиқариш иншооти пастки бьефидаги водобой ва рисбермаларда босимнинг ўзгаришлари

Кузатилган схемалар учун кенгаювчи водобойнинг тугаш кесимидан бошлаб, потенциал энергия босимининг тикланиши билан тубга таъсир қилаётган босим босқичма-босқич ошиб боради. Рисберманинг тугаш қисмида пастки бьеф босимига тенглашади. $l = (11 \div 13)d$ бўлганда босимлар фарқи $\Delta \bar{p}_i = \bar{p}_i/\gamma - h_2$ нолга интилади (5-расм).

Хулоса. Бьефлар тутатиши йўналишидаги гидродинамик босим характеристикаларини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқотлари таҳлил қилинди.

Паст ва ўрта напорли сув омборларининг сув чиқариш иншоотларида бьефлар туташишининг гидравлик режимларини кузатиш орқали кенгаювчи водобойда гидродинамик босимнинг тақсимланишини ҳамда уларнинг мустаҳкамланган соҳаларда параметрларни аниқланди.

Паст ва ўрта напорли сув омборларининг сув чиқариш иншоотлари пастки бьефларида оқимнинг тўлиқ энергиясини сўндириш мақсадида барпо этиладиган водобойларда сўндириш иншоотларининг жойлашиши, оқимнинг таъсир кучини текис тақсимлайди. Энергия сўндиргичлари бўлмаган водобойларда босим етишмаслиги ҳисобига водобойнинг мустаҳкамлик турғунлиги 30-50% гача камаяди. Кенгайиш бурчагининг ошиши иншоот чиқиш қисмида кенгаювчи водобойда ва ундан кейинги соҳаларда ўртача босим тақсимланишига таъсир кўрсатмайди.

Сув чиқариш иншооти пастки бьефида ҳаракатланаётган оқимнинг сўндиргичлар ўрганиб чиқилган схемалари учун олди соҳасидаги ўртача босим зўриқиши ҳисобий эпюраси ва тезлигини аниқлаш имконини берадиган боғланиш графиклари олинди.

Литература

1. Maalem Nureddin, Begmatov Ilkhom et al. Dynamics of hydraulic resistance in the zone of constraint of the riverbed. IOP Conference Series: Materials Science and Engineering, Volume 869, Engineering infrastructure. doi:10.1088/1757-899X/869/4/042012
2. Школьников С. Я. и др. Основные условия, принимаемые к гидродинамическим уравнениям потока. Multidisciplinary Scientific edition, International academy journal “Web of Scholar” 2(20), Vol.1, February 2018, 42-47 p.
3. Бондаренко В. Л., Белоконев Е. Н. К вопросу обеспечения гидравлической безопасности водосбросных и водопропускных сооружений // Известия высших учебных заведений. Северо-Кавказский регион. Технические науки. – 2004. – №. 1. – С. 86-91.
4. Бабенко В. А. Применение конструкций гасителей энергии в нижних бьефах водовыпускных сооружений // Развитие аграрной науки и практики: состояние, проблемы и перспективы. – 2022. – С. 184-187.
5. Шеренков И.А. Расчет растекающегося бурного потока за выходными оголовками водовыпускных сооружений. “Труды объединенного семинара по гидротехническому и в/х строительству”, выпуск 1, 1958, Харьков
6. Саинов М., Котов Ф. Расчет и проектирование бетонных водосливных плотин на нескальном основании. – Litres, 2022.
7. Дерюгин Г. К. Замечания по гидравлическому расчету гасителей энергии за водосбросными сооружениями, их проектированию и эксплуатации // Известия Всероссийского научно-исследовательского института гидротехники им. Б.Е. Веденеева. – 2015. – Т. 275. – С. 10-23.
8. Черных О. Н., Бурлаченко А. В. Оценка кинематической структуры потока за колодцем заглубленного типа в нижнем бьефе водопропускных сооружений АПК // Природообустройство. – 2022. – №. 1. – С. 34-40.
9. Круглов Г., Медведева Ю. Гидротехнические сооружения. Лабораторный практикум. – Litres, 2022.
10. Клод М. Ж. Результаты анализа исследований трубчатых сооружений с гасителями ударного действия // Агроинженерия. – 2014. – №. 2. – С. 50-54.
11. Розанов Н.П. Вопросы проектирования водопропускных сооружений, работающих в условиях вакуума и при больших скоростях потока. М. –Л: Госэнергоиздат, 1959, с. 207.
12. Розанов Н.П. Приближенные расчеты сопряжения бьефов за трубчатыми водопропускными сооружениями с учетом реакций устройств нижнего бьефа. Труды МИСИ, №24, вып.1, М: 1958, с. 5-65.
13. Пашков Н.Н. Расчет гасителей шашечного типа за трубчатыми водосбросами. Труды МИСИ, М: 1958, сб.24, вып.1, с. 65-90.

14. Беляшевский Н.Н., Пивовар Н.Г., Калантыренко Н.И. Расчеты нижнего бьефа за водосбросными сооружениями на нескальных основаниях// Киев. Нукова Думка, 1973, 292 с.
15. Ребок Т. Предохранение флютбетов от вредных размывов. - М.: Изд. МВТУ, Научно-технический кружок гидротехников, 1929. - 23 с.
16. Методические указания в помощь проектировщику. Гидравлический расчет гашения энергии потока в нижних бьефах трубчатых водосбросов. Росгипроводхоз, М: 1973.
17. Базаров Д.Р., Каримов Д.Р., Хидиров С.К. Гидравлика, Тошкент, Нашриёт Билим 2003, 351 с.;
18. Леви И.И. Моделирование гидравлических явлений. Л: Энергия, 1967, 235 с.
19. Лятхер В.М., Прудовский А.М. Гидравлическое моделирование. Энергоатомиздат, М., 1984 г. 480 стр.
20. Хидиров С.К., Норкулов Б.М. Сув чиқариш иншоотлари пастки бьефи мустаҳкамланган соҳасидаги сув оқимининг гидравлик режимлари ва ўртача гидростатик босими “Меъморчилик ва қурилиш муаммолари” илмий техник журнал, №4 (2-қисм) 2020, 108-111 б. СамГАСИ.



ISSN: 2181-9904
www.tadqiqot.uz

А.Р. Муратов

т.ф.н. доцент

Т.Д.Муслимов

кат.ўқит.,

Ойбек Муратов

т.ф.н. доцент.


«Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш муҳандислари институти»

Миллий тадқиқот университети

E-mail: ashirbek55@mail.ru

oybek_10@mail.ru

НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ БОСИМЛИ ҚУВУРЛАРИ КОРРОЗИЯ БАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.000000>

АННОТАЦИЯ

Мақолада ирригация тизимларида ишлатилаётган насос станцияларининг босимли қувурлари турли хил сабабларга кўра, маълум муддатлардан кейин, лойиҳа параметрларида кескин ўзгаришлар юз бериши натижасида насос станциялари босимли қувурлари лойиҳа параметрларининг ўзгариши, электр энергияси сарфининг кўпайиши, насос станцияси фойдали иши коэффициентининг пасайиши, $1,0 \text{ м}^3$ сувни кўтариш солиштирма таннархининг ошиши салбий оқибатларини пасайштириш мақсадида янги технологик ечимлар, тавсиялар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: ирригация, насос станцияси, босимли қувурларни тиклаш, инновацион технологиялар, лойиҳа параметрлари, ишлаш муддатини узайтириш, фойдали иш коэффициенти

A.R.Muratov

PhD, associate professor;

T.Muslimov,

Oybek Muratov

PhD, associate professor;

«Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural
Mechanization Engineers» National Research University

TECHNOLOGY OF INCREASING CORROSION RESISTANCE OF PRESSURE PIPES OF PUMPING STATIONS

ANNOTATION

In the article, pressure pipes of pumping stations used in irrigation systems for various reasons, after certain periods of time, as a result of sudden changes in the project parameters, changes in the

project parameters of pressure pipes of pumping stations, an increase in electricity consumption, a decrease in the coefficient of useful work of the pumping station, 1.0 m³ water. In order to reduce the negative consequences of the increase in the comparative cost of raising, information is provided about new technological solutions and recommendations.

Key words: irrigation, pumping station, restoration of pressure pipes, innovative technologies, project parameters, service life extension, useful work coefficient

1. Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси” да белгилаб берилган устувор йўналишларни амалга ошириш ҳамда минтақамизда, жумладан Республикамизда Сув ресурсларининг номутаносиб тақсимланиши ва суғориладиган ерларнинг мураккаб рельефга эга эканлиги натижасида суғориладиган ерларнинг 60 фоизига яқин қисмига 1 687 та насос станция ёрдамида сув етказиб берилиб, уларнинг йиллик электр энергияси истеъмоли 8 млрд кВт.с ни ташкил этиши келтирилган [1].

Бундан ташқари, сув истеъмолчилари уюшмалари, фермер хўжаликлари ва кластерлар томонидан жами 155,2 минг км суғориш тармоғи ва 10 280 тадан зиёд насос агрегатлари ишлатилмоқда. Суғориш эҳтиёжлари учун жами 12,4 мингта, жумладан сув хўжалиги тизимида 4 153 та суғориш кудукларидан фойдаланилаётганлиги ҳақида аниқ маълумотлар берилган [1].

Агарда босимли қувурлар хизмат муддатларини узайтириш, лойиҳа параметрларини тиклаш чора-тадбирлари қўлланмаса, кишлоқ хўжалиги учун зарарли оқибатлар келтириб чиқарувчи авария ҳолатлари юзага келиши мумкин.

Насос станциялари босимли қувурлари лойиҳа параметрларини санациялаш бир нечта технологиялари маълум:

- босимли қувурлар деворлари ички сиртида химиявий қўшимчали цемент-қум қоришмали ёки полимер материалли химоя қопламалари ҳосил қилиш;
- босимли қувур ичига пластик материалдан, босимли қувур шаклини эгаллайдиган янги қувур жойлатириш;
- босимли қувур деворларига пўлат листларни пайвандлаш;
- эгалувчан материалдан, босимли қувур лойиҳа параметрларига мос, комбинацияли эластик қувур (чулки)

Ўзбекистондаги қурилишларда, МДХ да кенг қўлланиладиган, химиявий қўшимчали цемент-қум қоришмасини торкретлаш усулида, босимли қувур девори ички сиртини торкрет усулида қоплаш учун ТИҚХММИ олимлари томонидан 2019 йилда ишлаб чиқилган (**Тс 23330562-001:2019 Технические условия. Защита и восстановление внутренней поверхности стальных напорных труб от износа. Ташкент 2019**) техник шартлар асос қилиб олинган ҳамда технология бўйича меъёрий ҳужжатларда тавсия қилинган Ўзбекистонда мавжуд бўлган материаллар, машина-механизмлар мажмуаси қўлланилади [2, 9].

Насос станцияларининг босимли қувурлари лойиҳа параметрларини химиявий қўшимчали цемент-қум қоришмали торкретбетон қоплама ҳосил қилиш йўли билан санациялашга мўлжалланган қисмлари техник кўрсаткичлари чегара миқдорлари норматив ҳужжатларда [2, 4, 5, 6, 7, 8] келтирилган қийматларидан ошиб кетмаслиги шарт. Қувурлар эллиптиклик кўрсаткичи диаметри 0,5% миқдоридан ошмаслиги, деворларининг коррозиядан емирилиши қалинлигининг 10% лик ўлчамидан катта бўлмаслиги талаб қилинади [21].

2. Методика. Насос станциялари пўлат қувурларининг ички сиртида торкретлаш усулида ҳосил қилинадиган химиявий қўшимчали цемент-қум қопламасининг коррозияга (занглаш, агрессив оксидланиш ва ҳ.о.) химоя таъсири, арматурага нисбатан бетоннинг химоя қатлами таъсирга ўхшайди ва мустақамлиги В30 классдаги бетонга нисбатан 40% гача юқори бўлади. Қисман занглаган пўлат қувур ички сирти (тозалангандан кейин) ва қопламанинг ўзаро таъсирдан (контактида) цемент-қум қопламасининг кўзга кўринмайдиган микротирқишларига ва қувур танасидаги занглаган қатламга ичига платификацияловчи

химиявий кўшимчалар таъсирида эриган цемент гели сингиб киради. Бунга сабаб, цемент-қум қоришмаси аралаштирила бошланган 20 минутдан бошлаб, цемент заррачалари шиддатли гидратацияланиши натижасида, заррачалари ўлчамлари 100 мкм дан 10 мкм гача кичрайиши натижасида цемент гели майда микротирқишларини тўлдирадиган, юқори ишқорий (Ph-12) гидроксидли, металл коррозиясини сўндирадиган муҳит яратади.

Кейинчалик цемент тошининг янада гидротацияланишидан ишқорий муҳит ошиб боради ва сув таркибидаги эриган кислород, эски зангдан металл счётка билан қириб (босимли сув билан ювиб, қум хаво аралашмаси пуркалиб) тозаланган металл билан реакцияга киришади, натижада сувда жуда кам эрийдиган темир гидроксиди ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган темир гидроксиди цемент-қум қопламаси таркибидаги бўшлиқларни (зичлиги камроқ сув ўрнини сингиб эгаллайди) тўлдиради ва пўлат қувур ички сирти билан химиявий кўшимчалик цемент-қум чегарасида сув ўтказмайдиган ва эримайдиган қатлам ҳосил қилади. Натижада пўлат қувурнинг кейинги даврдаги (лойиҳа параметрлари тиклангандан кейинги) коррозиясини олди олинади, сувда эримайдиган қатлам шаклланиши жараёнида қопламанинг қувур деворига ёпишиши (адгезияси) яхшиланади.

Лойиҳада белгиланган қалинликдаги цемент-қум қопламаси бикр пўлат халқа ичида жойлаштирилган “зичлагич” (уплотнитель-рус.) вазифасида ишлайди, яъни ташқарисида пўлат халқа қотган цемент-қум қопламани маҳкам сиқиб ушлаб қолади. Бу конструктив жойлашиш, коррозияга қарши қоплама қотиш жараёнида киришишдан ҳосил бўлиши мумкин бўлган кичик микротирқишларга “ўз-ўзини даволаниш” хусусиятини беради. Қувур сув билан тўлдирилганидан кейин, кўзга кўринмас микроёриқлар йўқолади ва коррозия фақат қоплама қатлами лойиҳа параметрларидан кам бўлган жойларда, агарда бажарилган ишда камчиликка йўл қўйилган бўлсагина пайдо бўлиши мумкин холос.

Торкретлаш- деб, таъмирлаш-тиклаш, қурилиш ишларини бажаришда, ишлов берилаётган сиртга бир ёки бир нечта қатламда цемент-қум ёки цемент, қум, майда чақиктош (5-8 мм), химиявий кўшимчалар ва сув таркибли бетон қоришмасини, шу жумладан арматуралаш учун одатий пўлат ёки нометалл фибралар аралаштириб, босимли сиқилган ҳаво ёрдамида сепиб жойлаштиришга айтилади. Сиқилган ҳаво босими остида (ёки спинер айланишидан ҳосил бўлган марказдан қочма куч таъсирида) цемент-қум қоришмасига кинетик энергия узатилади ва сепилаётган пўлат қувур ички деворига (ёки қаттиқ жисм сиртига) тегиши натижасида динамик зичланиш юз беради ва цемент-қум қоришмаси таркибидаги ортиқча сув сиқиб чиқарилади, хусусиятлари оддий қоришмадан (майда заррали оғир бетон қоришмасидан) фарқ қилувчи, зичланган қоплама ҳосил бўлади. Торкретлаш усулида ҳосил қилинган қоплама мустаҳкамлиги, зичлиги, совуқбардошлилиги, сув ўтказмаслиги бошқа усулда зичланганларидан юқори бўлади ҳамда сирт билан илашиш кўрсаткичи (адгезияси) кучли бўлади.

3.Мухокама учун. Ирригация насос станциялари пўлат қувурлари ички сирти қопламасини тайёрлашда қўлланиладиган маҳаллий материаллар ва сотиб олинган маҳсулотлар ГОСТ 24297 бўйича, кириш назоратидан ўтиши керак ёки ташкилотнинг стандарти талабларига мос бўлиши ҳамда уларнинг мувофиқлик сертификати бўлиши шарт: 3.1.Портландцемент – ГОСТ 10178-85, ГОСТ 8424-72 маркаси (русуми) ПЦ 400 (ДО) кам эмас цементни ишлатишга рухсат этилади.

Портландцемент қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- кимёвий қўшилмаларсиз бўлиши керак;
- Радионуклеидларнинг солиштирма самарали фаоллиги 370 Вк/kg дан кам бўлиши керак (санитар норма);
- Сохта қотиш белгилари бўлмаслиги керак;
- Қотиш вақтининг бошланиши 60 min кам бўлмаслиги керак;
- Таркибида гувалячалар бўлмаслиги керак;
- Сақлаш муддати цементтайёрланган кундан 60 суткадан ўтмаган бўлиши керак;
- Цемент намлик таъсиридан ва бегона предметлар билан ифлосланишдан ҳимояланган бўлиши керак;

- Ҳар хил партиядаги цементларни аралаштиришга рухсат этилмайди.

3.2. Сув – ГОСТ 23732-2011, ГОСТ 2874-82. Пўлат кувур-сув таъминоти тармоқларида ишлатишга рухсат этилган бўлиши керак.

Рухсат этилади:

Химиявий қўшимчали цемент-қум қоришмасидан иборат оғир суюқлик кўринишидаги қоплама талаб қилинган қўзғалувчанликда (цемент-қум қоришмаси қўзғалувчанлиги СтройЦНИЛ конуси бўйича 7,0...9,0 см ни ташкил этиши керак), дарзбардошликда ва мустақамликда қоришманинг ярқилилигини таъминлаш учун қуйидаги қўшилмалар қўлланилишига рухсат этилади:

Цемент-қумли химиявий қўшимчали * аралашма ГОСТ 26633 бўйича.

- Суперпластификатор С-3 амалгадаги меъёрий ҳужжат бўйича;
- Сульфат натрийнинг барқарорлаштирувчи қўшилмаси ГОСТ 6318 бўйича.

*Эслатма: Қоришмага химиявий қўшимчаларнинг қайси турини (шу жумладан бозорда янги пайдо бўлганларини ҳам) қўшиш ва миқдорий ҳисоблари торкретбетон билан қайта тикланаётган ҳимояловчи қопламаларнинг ишлаш шароитига боғлиқ равишда, химиявий қўшимчага қўйиладиган техник талабларда ёки қоплама ҳосил қилиш технологик регламентида кўрсатилади.

3.3 Қум – ювилган, ГОСТ 8736-85, ГОСТ 10268-80 ёки ТУ 39-1554-91 бўйича фракцияланган, 1-5 мм ли фракциядан ошмаган зарралардан иборат бўлиши керак. Зарра ўлчамлари 0,30...0,70 мм ли фракциялари қум умумий массасининг камида 70% ини ташкил этиши керак. Бир-бирига яқин фракциялар зарраларининг миқдори 5% дан ошмаслиги керак. 3% гача 0,4 мм дан кам бўлган ўлчамдаги зарралар миқдорига рухсат этилади (1-жадвал). Гилли, лойқа ва чангсимон зарралар вазни бўйича 3% дан ва (ТУ 2-26-20-92) ни, пластификаторни С-3 (ТУ 6-36-0204229-625-90) ни ишлатганда 5% дан ошмаслиги керак.

1-жадвал.

Қумнинг гранулометриқ таркибининг рухсат этилган чегаралари

№ р/р	Назорат элакларининг тешикчаларининг ўлчамлари, мм	Назорат элакчаларида тўлиқ қолиши, оғирлиги % бўйича
1	2,5	0-20
2	1,25	5-45
3	0,63	20-70
4	0,315	35-90
5	0,16	90-100
6	0,16 мм тешикчали элақдан ўтиши	10-0
7	Катталиқ модули	1,5-3,25

Агар табиий қумнинг гранулометриқ таркиби юқоридаги талабларга жавоб бермаса, уни фракциялаш керак, шундан сўнг гранулометриқ таркибга кўра мақбул қоришма таркибини ҳосил қилиш керак. «ТИҚХММИ» МТУ олимлари илмий изланишларида, қопламанинг физик-механик кўрсаткичларини янада ошириш мақсадида, қумни SS-370 маркали вибрацион элақда саралаб, таркибни модификациялаш учун йирик заррала (3-7) гранит қумдан фойдаланиш тажрибаси шаклланган (2-расм).

3.4 Қоришмада цемент-қум қоришманинг вазнлар бўйича таркибий қисми цемент ва қумнинг нисбати 1: 1-1:1,3 оралиғида бўлиши керак (2-жадвал).

2-жадвал

1м³ тайёр цемент-қум қоришмали торкрет-фибробетон таркиби


№	Қум ГОСТ 8736-93	Портланцемент ГОСТ 8424-72	Сув ГОСТ 23732-2011	Кимёвий қўшимча С-3	Базальт (ёки бошқа) фибра ТУ 64-16625423-01:07	Бошқалар
Бирлик	м ³	кг	м ³	кг	кг	кг
Миқдор	1-1.3	446	185	10	2	лойиҳа асосида

3.5 Химиявий кўшимчали (С-3 ва бошқа турдаги ҳ.о.) эритмани тайёрлаш учун сув ГОСТ 23732-2011 га мувофиқ ишлатилиши керак ва цемент-кум қоришмасидаги сув миқдори керакли кўзгалувчанликни таъминлайдиган даражада бўлиши керак [10]. Цемент-кум қоришмасини тайёрлашда, ишларни бажариш даврида табиий шароит кўрсаткичлари, кўлланилаётган материаллар хусусиятларидан ва босимли қувур ишлашида насос билан ҳайдаладиган сувнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, торкретбетон машиналари турлари, химиявий кўшимчани кўллаш мақсади ва вазифалари белгиланади [9, 10].

Химиявий кўшимчалар қоришманинг мустаҳкамлигини, коррозиябардошлигини, совуқбардошлигини, сув ўтказмаслигини ошириш, кўзгалувчанлигини сақлаб туриш, қоришманинг қотиш кинетикасини ростлайдиган (тез ёки секин қотирадиган), қоришмага махсус хусусиятлар (сульфатбардошлик, кам киришадиган, ҳажмини оширадиган) бағишлайдиган ва ҳаказо турлари қопламанинг хизмат муддатида эга бўлиши керак бўлган техник талаблардан келиб чиқиб белгиланади ва таркиби синалади [10].

Сувни дозалашда кумнинг намлигини ҳисобга олиш керак. Цемент-кум қоришманинг кўзгалувчанлиги СтройЦНИЛ конуси томонидан бошқарилади, конуснинг ботиши 7-9 см оралиғида бўлиши керак (3-расм) [13,14].

Сув-цемент нисбати (С/Ц) ишлатиладиган материалларнинг сифатига қараб 0,32-0,36 га тенг бўлиш тавсия этилади.



2-расм. SS-370 ХХР да ишлаб чиқарилган вибрацион харакатли элакнинг кўрини. 1. Коробка. 2. Вибратор. 3. Сеткали каркас (сетка холаган диаметрга алмашадиган). 4. Рама. 5. Вибро изоляция. 6. Қопқоқ. 7. Герметик ёпгич.

SS 370 (ХХР) русумли тебранма элак техник таснифи:

- Иш унумдорлиги- 1 м³/соат.
- Катаклар ўлчами- 8x8 мм.
- Электр двигатели қуввати- 0,7 кВт.
- Электр токи параметри- 220В/50 Гц.

3.6. Пўлат қувурларни коррозиядан ва абразив емирилишини олдини олувчи, химоя қилувчи ва унинг лойиҳа параметрларини қайта тикловчи, қувур девори ички юзасига торкретлаш услуги билан ётқизиладиган қоплама қалинлиги, қувур диаметрига боғлиқ ҳолда, 3-жадвалда кўрсатилган маълумотларга мос келиши керак. 820 мм бўлган қувурлар учун 15 ± 2 мм, диаметри 4240 мм гача ва юқори бўлган қувурлар учун 35 ± 2 бўлиши керак, пайванд чоки устидаги қатлам бундан мустасно. Пайванд чоки устидаги қопламанинг энг кам қалинлиги 5,0 мм гача йўл кўйилади. Бу шартнинг мазмун-мақсади диаметри 1220 мм дан

кичик бўлган қувур ичида босимли сув оқими гидравлик режимини бузадиган бўртиклар (баландлиги қотган цемент-қум қопламаси лойиҳа қалинлиги 50% қисмидан ортиқ бўлмаган) ҳосил бўлиши олдини олишга қаратилган ва қувурдаги босим йўқотилиши лойиҳага нисбатан 2% дан ошиб кетмайдиган қоплама минимал қалинлиги ўлчамига урғу берилган [6].


3.7. Цемент-қум қоришмасининг қўзғалувчанлиги деб, тайёр қоришманиннг ўз оғирлиги ёки ташқаридан қўйган куч таъсирида ёйилиш хусусиятига айтилади. Қоришма қўзғалувчанлигини текшириш ГОСТ 5802-86 бўйича учун ҳажми 2,5 литр қоришма, 5 минут давомда қориш йўли билан тайёрланади, кейин 7-идиш чеккасига 1 см қолгунча тўлдирилади ва пўлат стержен билан 25 марта шиббланади, 5-6 марта столга енгил урилгандан кейин, прибор майдончасига қўйилади [13] (3-расм).

3- Жадвал.

Пўлат қувур диаметрига боғлиқ равишда қоплама ҳосил қилиш учун материаллар сарфи

№ т/р	Қувур диаметри, мм		Қалинлиги, мм	1 пог.м. қувур оғирлиги, кг	Қалинлиги, мм		Қоплангандан кейин ички диаметр, мм	1 пог.м. учун материаллар сарфи, м³	1 пог.м. учун материаллар оғирлиги, кг
	ташқи	ичқи	девори		қоплама	четга чиқиш			
1	820	796	12	241,49	15	±2	762	0,0416	99,82
2	1020	996	12	301,27	20	±2	956	0,0675	161,82
3	1220	1192	14	420,52	20	±2	1170	0,1077	256,15
4	1420	1380	20	697,38	25	±2	1328	0,1150	275,51
5	1620	1580	20	797,01	25	±2	1528	0,1320	316,20
6	2020	1980	20	996,26	30	±2	1918	0,1959	470,0
7	2620	2580	20	1295,5	30	±2	2518	0,2563	615,0
8	3020	2970	25	1864,88	35	±2	2898	0,3409	818,10
9	3640	3590	25	2323,67	35	±2	3518	0,4130	990,10
10	4240 и више	4180	30	2577,49	35	±2	4106	0,4814	1155,21

Ўлчаш 3-эталон конус учини идишдаги қоришма сиртига тегизилиб (ботирмасдан), 8-махкамлагич винти қотиришдан бошланади. Кейинчалик биринчи ўлчаш амали 2-циферблатдан эталон конус ҳолатини англаувчи рақами ёзиб олинади ва 8-махкамлагич винт бўшатилади. Эталон конус-3, ўз массаси таъсирида қоришмага эркин ботиб 1 минут ўтгандан кейин иккинчи ўлчаш амали бажарилади (3-расм). Эталон конус чўкиши кўрсаткичи сифатида (яъни қоришма силжувчанлиги) биринчи ва иккинчи ўлчаш амалларида қайд қилинган рақамлар айирмаси ҳамда икки марта, 7-идишга ҳар хил қоришмалар солиб такрорланган ва 1 мм аниқликда ҳисобланган ўртачаси қиймат кўринишида ёзиб олинади. [13,14]



1-штатив, 2-циферблат, 3-эталон конус, 4-силжувчи штанга, 5,6-махкамлагичлар, 7-цемент қоришмаси солинадиган идиш, 8-махкамлагич винти



3 – расм. Строй ЦНИЛ конуси. ГОСТ 5802-86 бўйича қоришманинг қўзғалувчанлиги текшириш лаборатория жихози

4.Хулосалар. Кимёвий модда қўшилган цемент-қум қоришмасида сифатлилик белгиси сифатида ҳосил бўладиган «кремсимон» эффектини узлуксиз равишда ГОСТ 5802-86 талабалари бўйича назорат қилиш тақозо қилинади.

Қувур ичидаги ўзююлар аравачага, шланглар ва сепиш каллаги ва босимли ҳаво шланглари улагандан кейин яхлит бўлиб ишлаши, компрессорни ишга тушириш учун шланглар ичида 1:2 (1 қисм цемент, 2 қисм қум) таркибли «мойлаш» қатламини ҳосил қилиш қилинса, ишларни узлуксиз ташкил қилиш имконияти яратилади.

«Мойлаш» учун мўлжалланадиган қоришмани бетон насоси камерасига қайтариб, ёпиқ узлуксиз жараёнда камида 30 секунд ишлатиб турилса, оптимал кўрсаткичли натижаларга эришиш кафолатланади.

Сепиш каллагини қувур ички деворига 70-120 см (насос станцияси босимли пўлат қувури ички диаметрига боғлиқ) масофада қўйиб, цемент-қум аралашмасини узлуксиз сепишдан олдин, «мойлаш» учун тайёрланган қоришмани аралаштиргич барабанига қайтариб солиб сув цемент нисбатини лойихадаги миқдорга ($C/Ц = 0,32 - 0,36$) келтириш ва қоришмани бетононасос бункерига солиб ҳайдаш орқали камида 10% гача материалларни тежаш имконияти яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сонли “Ўзбекистон республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги фармони.
2. Ts 23330562-001:2019 Технические условия. Защита и восстановление внутренней поверхности стальных напорных труб от износа. Ташкент 2019
3. ГОСТ 9.008—82 Единая система защиты от коррозии и старения. Покрытия металлические и неметаллические неорганические. Термины и определения.
4. ГОСТ 8731-74 межгосударственный стандарт. Трубы стальные бесшовные горячедеформированные. Технические требования.
5. ГОСТ 8732-78 межгосударственный стандарт. Трубы стальные бесшовные горячедеформированные. Сортамент.
6. Международный стандарт ИСО 4179. Трубы и фитинги из ВЧШГ для напорных и безнапорных трубопроводов-Цементно-песчаное порывтие.

7. ГОСТ 10704-91 межгосударственный стандарт. Трубы стальные электросварные прямошовные. Сортамент.
8. ГОСТ 10706-76 межгосударственный стандарт. Трубы стальные электросварные прямошовные. Технические требования.
9. Межгосударственный стандарт. ГОСТ ISO 21592-2013 Машины для торкретирования бетонной смеси. Терминология и технические условия
10. Межгосударственный стандарт. ГОСТ 30459-2008 Добавки для бетонов и строительных растворов. Определение и оценка эффективности. М.: Стандартинформ 2010 г.
11. ГОСТ 9.102—91 Единая система защиты от коррозии и старения. Воздействие биологических факторов на технические объекты. Термины и определения.
12. ГОСТ 9.103—78 Единая система защиты от коррозии и старения. Временная противокоррозионная защита металлов и изделий. Термины и определения.
13. Международный стандарт. ГОСТ 5802-86 Растворы строительные методы испытаний
14. Международный стандарт. ГОСТ 310.3-76 Методы определения нормальной густоты, сроков схватывания и равномерности изменения объема.
15. ГОСТ 10178-85 (Измен. 1 и 2). Портландцемент и шлакопортландцемент. Технические условия.
16. Международный стандарт. ГОСТ 31108-2020. Цементы общестроительные. Технические условия.
17. ГОСТ 30515-97. Цементы. Упаковка, маркировка, транспортирование и хранение.
18. ГОСТ 8736-2014. Песок для строительных работ. Технические условия. ГОСТ 8735-88. Песок для строительных работ. Методы испытаний.
19. Технология по стандарту ТУ 1390-003-86695843-2010
20. Национальный стандарт Российской Федерации ГОСТ Р ИСО 8501-1-2014 Подготовка стальной поверхности перед нанесением лакокрасочных материалов относящихся к ним продуктов. Визуальная оценка чистоты поверхности
21. Технология строительства трубопроводов путем нанесения внутренних цементно-песчаных покрытий. [Электронный ресурс] URL. <https://ros-pipe.ru/clauses/stroitelstvo-remont-truboprovodov/tekhnologiya-stroitelstva-truboprovodov-putem-nane/>



Норкулов Бегзод Эшмирзаевич

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш муҳандислар институти” миллий тадқиқот университети, Сув энергияси ва насос станцияларидан фойдаланиш кафедраси доценти, PhD., behzod1983@mail.ru

Артикбекова Фотима Кучкаровна

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш муҳандислар институти” миллий тадқиқот университети, Сув энергияси ва насос станцияларидан фойдаланиш кафедраси доценти, PhD., artikbekovaf@bk.ru


Исламов Карим Сайидмурадович

“Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети”, докторанти karim.islamov2018@mail.ru

Шодиев Бобур Нурмахамат ўғли

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш муҳандислар институти” миллий тадқиқот университети, Сув энергияси ва насос станцияларидан фойдаланиш кафедраси ассистенти., shodiyevboburfbk@gmail.com

ДАРЁДАН ТЎҒОНСИЗ СУВ ОЛИШДА ОҚИМНИНГ ГИДРАВЛИК ВА ЛОЙҚА ЧЎКИНДИЛАР РЕЖИМИНИНГ ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.000000>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Амударё ўрта оқимидаги тўғонсиз сув олиш иншооти соҳасидаги сув оқимининг гидравлик ва лойқа чўкиндилаш режимини баҳолаш учун олиб борилган дала тадқиқот натижаларининг тахлили ва деформацион жараёнларнинг олдини олиш учун дарёнинг гидродинамик параметрларидан келиб чиқиб, сув олиш каналининг бош қисмига қадар ўзандаги лойқа оқизикларни чўкиш жараёнларининг жадаллиги аниқланди.

Калит сўзлар: створ, ўзан, сув сатҳи, чуқурлик, қўл лоти, рейка, оқизиклар, қуйи оқим.

Норкулов Бегзод Эшмирзаевич

Национальный исследовательский университет “Ташкентский институт ирригации и механизации сельского хозяйства”, PhD, доцент кафедры Использование водной энергии и насосных станций

behzod1983@mail.ru

Артикбекова Фотима Кучкаровна

Национальный исследовательский университет
“Ташкентский институт ирригации и механизации
сельского хозяйства”, PhD, доцент кафедры
Использование водной энергии и насосных станций
artikbekovaf@bk.ru

Исламав Карим Сайидмурадович

Самаркандский государственный
Архитектурно-строительный
университет”, докторант
karim.islamov2018@mail.ru

Шодиев Бобур Нурмахамат ўғли

Национальный исследовательский университет
“Ташкентский институт ирригации и механизации
сельского хозяйства”, ассистент кафедры
Использование водной энергии и насосных станций
shodiyevboburfbk@gmail.com

РЕЗУЛЬТАТЫ ИССЛЕДОВАНИЙ ГИДРАВЛИЧЕСКОГО ПОТОКА И РЕЖИМА НАНОСОВ РЕКИ ПРИ БЕЗПЛОТИННОМ ВОДОЗАБОРЕ

АННОТАЦИЯ

В данной статье определены анализы результатов полевых исследований, проведенных для оценки гидравлического и мутностного режима водного потока в районе исследуемого безплотинного водозабора в среднем течении Амударьи и потока наносов, определены процессы осаждения наносов в реке до начала водозаборного канала, исходя из гидродинамических параметров реки с целью предотвращения деформационных процессов.

Ключевые слова: створ, русло, уровень воды, глубина, ручной лот рейка, наносы, нижний поток.

Norqulov Begzod Eshmirzayevich

National Research University "Tashkent Institute
of Irrigation and Agricultural Mechanization"
PhD, associate professor department of the
Usage water energy and pump stations
behzod1983@mail.ru

Artikbekova Fotima Kuchkarovna

National Research University "Tashkent Institute
of Irrigation and Agricultural Mechanization"
PhD, associate professor department of the
Usage water energy and pump stations
artikbekovaf@bk.ru

Исламав Карим Сайидмурадович

“Samarkand State University
of Architecture and Civil
Engineerin”, doktorant
karim.islamov2018@mail.ru

Shodiyev Bobur Nurmaxamat o'g'li

National Research University "Tashkent Institute
of Irrigation and Agricultural Mechanization"
assistant department of the

RESEARCH RESULTS OF FLOW HYDRAULIC AND SLUDGE SEDIMENT REGIME IN A RIVER WITHOUT A DAM

ABSTRACT

In this article, the analysis of the results of the field research conducted to assess the hydraulic and turbidity regime of the water flow in the area of the damless water intake project in the middle stream of the Amudarya, and the speed of the sedimentation processes of the turbidity in the river to the head of the water intake channel, based on the hydrodynamic parameters of the river in order to prevent deformation processes, was determined.

Key words: alignment, channel, water level, depth, hand lot rake, sediments, lower stream.

Кириш.

Амударё Марказий Осиёнинг энг катта дарёларидан бири бўлиб, Афғонистоннинг Хиндикуш тепалигининг шарқий ёнбағир нишабликларидан бошланиб, шимолга ва шимолий ғарбга томон оқади. Амударё Вахш, Бахандарё, Помир ва Панж дарёлари бирлашишидан пайдо бўлиб, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон мамлакатлари ҳудудлари орқали оқиб ўтади. Дарёлар бирлашган створдан 1437 км масофада оқиб, Орол денгизига қуйилади. Амударёнинг ҳавзаси умумий майдони 465 минг км² ни ташкил қилади. Сув йиғиладиган майдони эса 216 минг км² ни ташкил қилади. Амударёда тўғонсиз сув олиш иншооти оқимнинг гидродинамик хусусиятларини башорат қилиш канал гидравликасининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Тўғонсиз сув олиш ҳолатида ўзан жараёнининг ривожланиши сув олиш иншоотининг ишончилиги ва ишлашига салбий таъсир қилади.

Бугунги кунда ўз ресурсларини тўлиқ ўтаб бўлган ва бир неча марта таъмирланган ҳамда оғир шароитда ишлаётган сув олиш каналининг эксплуатацион режимини ҳисоблаш, суғориш тизими объектларининг ишлаш шароитларидан келиб чиқиб, таркибидаги гидромеханик ҳолатларнинг ишончилиги кўрсаткичларини ўзгариш қонуниятларини аниқлаш, оқизикларни сув узатиш тизими насос қурилмаларига таъсири, оқизикларни тозалаб олиб ташлаш технологиялари ва техникаларини такомиллаштириш, тозалаш қурилмасининг параметрларини асослаш бўйича бажарилган илмий ишларда, оқизикларнинг таркиби, ўлчамлари ҳамда оқиб келиш даврини инобатга олиш, аванкамерадаги сув сатҳининг меъёрга бўлишини таъминлаш масалалари ҳозирги вақтгача етарли даражада ўрганилмаган.

Дала тадқиқотлари олиб борилган ҳудуд ўзани тез ювиладиган грунтлардан ўтадиган Амударё ҳавзаси ўрта оқимида жойлашган бўлиб, Республиканинг Қашқадарё вилояти суғориш майдонларига сув етказиб берадиган Қарши Магистрал каналининг тўғонсиз сув олиш ҳудуди ҳисобланади.

